



## XALQ DEPUTATLARI MIROBOD TUMAN KENGASHINING QARORI

2022 - yil 6 - aprel

П-58-74-14-199-К/22

Mirobod tuman hokimligi

### **Миробод тумани ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли, 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли ҳамда 2022 йил 26 январдаги “Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги КҚ-302-IV-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, Миробод туманида Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссия йиғилишининг 2022 йил 5 апрелдаги 4-сонли баёнини инобатга олиб, Халқ депутатлари Миробод тумани Кенгаши,

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

1. Миробод туманида Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссия йиғилишининг 2022 йил 5 апрелдаги 4-сонли баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. Миробод тумани бўйича 2022 йилда жамоатчилик фикри асосида шаклланган (ғолиб чиққан ташаббуслар) тадбирларни молиялаштириш



манзилли рўйхати мазкур қарорнинг иловасига асосан тасдиқлансин.

3. Мазкур қарорнинг иловасига асосан тасдиқланган манзилли рўйхатда келтирилган (ғолиб чиққан ташаббуслар) тадбирларга туман ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан маблағ ажратилсин;

манзилли рўйхатда келтирилган (ғолиб чиққан ташаббуслар) тадбирларга ажратилган жамғарма маблағларини етишмаган қисмини белгиланган тадбирлар учун ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисми ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилсин.

4. Туман Молия бўлими (Ж.Орипов):

ўрнатилган тартибда “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан фойдаланиш юзасидан тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (Р.Хафизова):

мазкур қарорнинг иловасига асосан тасдиқланган манзилли рўйхат асосида ғолиб таклифларни молиялаштириш учун тегишли тармоқ корхоналарига маблағ ажратиш чоралари кўрилсин.

6. Миробод тумани ҳокими ўринбосари (Ф.Нажмиддинов):

буюртмачи ташкилотлар билан биргаликда, қурилиш ва таъмирлашга оид танловларни қонунчиликда белгиланган тартибда тезкорликда одилона ўтказилишини ташкиллаштирилсин.


7. Бюджет ташкилотлари ва тегишли тармоқ корхоналари:

ажратилган маблағларни қонунчиликда белгиланган тартибда лойиҳа ва пудрат ташкилотлар билан шартномалар тузсин ҳамда иқтисод қилинган маблағларни “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га қайтарилиши;

ажратилган маблағларни мақсадли ишлатилиши таъминлансин.

8. Мазкур қарор ижроси назорати Ҳалқ депутатлари Миробод туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (А.Маманазаров) ва Миробод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Салайдинов зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси



Ш.А. Пулатов